



Андижон вилоят статистика бошқармаси «Ахборот хизмати»

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизматининг (кейинги ўринларда хизмат деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ахборот хизмати Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Андижон вилояти статистика бошқармаси деб аталади) бошқарманинг мустақил таркибий бўлинмаси хисобланади хамда бевосита унинг раҳбарига бўйсунади.

3. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига, “Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистики тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари жумладан, “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш хамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти статистика бошқармаси тўғрисида” ги мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун хужжатларига амал килади.

4. Хизмат ўз фаолиятини Андижон вилояти статистика бошқармаси таркибий бўлинмалари, Андижон вилоятининг туманлар ва шахарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) шинингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Андижон

вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан ўзаро яқин хамкорликда амалга оширади.

II. Хизматнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуидагилар хизматнинг асосий вазифалари хисобланади:

Андижон вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Хизмат зиммасига юклатилган вазифаларни Андижон вилояти хокимлигининг Матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Администрацияси хузуридаги Андижон вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий хамкорликда таъминлаш;

Андижон вилояти статистика бошқармаси фаолияти хақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йули билан ахолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Андижон вилояти статистика бошқармаси мамлакатимизнинг хамда вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий тараққиёти жараёни хақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;